

Собитхон ТУРҒУНОВ,
педагогика фан доктори, профессор,
Наманган давлат университети ректори, Наманган, Ўзбекистон
Дилдора АКМАЛОВА,
Наманган давлат университети таянч докторанти,
Наманган, Ўзбекистон
Дилдора ТОШПЎЛАНОВА,
Наманган давлат университети таянч докторанти,
Наманган, Ўзбекистон

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА СТРУКТУРАВИЙ ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Maqola pedagogik jarayonlar boshqaruviga strukturaviy yondashuvlarni joriy etish asosida subyektlar faoliyatini takomillashtirishning zaruratiga bag'ishlangan bo'lib, unda pedagogik jarayonlar ishtirokchilari faoliyatini samarali tashkil etishning asoslaridan biri sifatida strategik yondashuvni pedagogik jarayonlarga tatbiq etishning barcha ta'lim oluvchilar faoliyatini muvofiglashtirishdagi amaliy ahamiyati ilmiy asoslangan.

Kalit so'zlar. Strukturaviy yondashuv, strukturaviy tashxis, vertikal va gorizontaal aloqalar, strukturaviy komponentlar, pedagogik jarayonlar, tashkil etuvchi qismlar, bo'g'inlar, innovatsion faoliyat, strukturaviy komponentlar, boshqaruv, subyektlar, boshqaruv faoliyati, komponentlar, pedagog xodimlar, rahbarlar, mutaxassislar, tashkiliy tuzilish, funksonal vazifalar.

Статья посвящена необходимости совершенствования деятельности субъектов на основе внедрения структурных подходов к управлению педагогическими процессами, в которых практическая значимость реализации стратегического подхода к педагогическим процессам как одной из основ эффективной организации педагогических процессов.

Ключевые слова. Структурный подход, структурная диагностика, вертикальные и горизонтальные связи, структурные компоненты, педагогические процессы, составные части, соединения, инновационная деятельность, структурные компоненты, управление, субъекты, управленческая деятельность, компоненты, педагогические кадры, руководители, специалисты, организационная структура, функциональные обязанности.

The article is devoted to the need to improve the activities of subjects based on the introduction of structural approaches to the management of pedagogical processes, in which the practical significance of implementing a strategic approach to pedagogical processes as one of the foundations for the effective organization of pedagogical processes.

Key words. Structural approach, structural diagnostics, vertical and horizontal connections, structural components, pedagogical processes, components, connections, innovative activity, structural components, management, subjects, managerial activity, components, teaching staff, managers, specialists, organizational structure, functional responsibilities

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш сифат ва самарадорлигини таъминлаш нафақат таълим муассасаси раҳбарлари, балки педагог ходимлар ва бошқа мутахассисларнинг билими, кўникма ва малакаларига ҳамда уларнинг фаолияти натижаларига ҳам боғлиқлиги ва алоқадорлиги таълим олувчилар фаолиятини такомиллаштиришда структуравий ёндашувни татбиқ этиш ўзига хос илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

Чунки ижтимоий тизимнинг компонентларидан бири ҳисобланган, ёш авлодга таълим-тарбия беришга хизмат қилувчи педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш йўналишларида фаолият кўрсатувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган ташкил этувчи қисмлар ва бўғинлар мажмуидан иборат бўлади, шунингдек, таълим олувчи фаолияти натижавийлиги ҳам уни ташкил этувчи қисмлар ва бўғинларнинг фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Демак, педагогик жараёнлар бошқарувига янги ёндашувларни жорий этиш, биринчи навбатда, субъектлар (ўқитувчи ва таълим олувчилар) фаолиятини такомиллаштириш, инновацион бошқарув технологиялари ва методларини татбиқ этиш, педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни мавжуд эҳтиёжлар ва замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар талабларига мос ўзгартириш, педагогик ходимларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асосларини яратишда ҳам инновацион фаолиятнинг структуравий компонентларига асосланиш зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқаришда амалга ошириладиган назоратнинг асосланганлиги ташхис орқали ифодаланади. Назорат жараёнларига махсус восита ва методларни қўллаш асосида педагогик жараёнларнинг субъектлари фаолияти самарадорлигини тавсифловчи ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашга йўналтирилган ташхис структуравий ташхиснинг алоҳида кўринишини ифодалайди. Бошқарувда структуравий ёндашув асосида амалга ошириладиган структуравий ташхис педагогик жараёнлар субъектлари фаолиятида эришиш зарур бўлган натижаларни аниқлашга йўналтирилади.

У.И.Иноятовнинг фикрича, бошқарув фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари бошқарув функцияларини амалга оширишда мавжуд бошқарув амалиётига хос функционал ҳамда структуравий ёндашувлар орқали ифодаланади. Структуравий ёндашувда бошқарув механизми муносабатлар структураси орқали амалга оширилади, яъни бошқарув ҳаракатлари бошқаришни ташкил этиш, унинг алоҳида функцияларини ва бажариш тартибини ўрганиш, шунингдек, бошқарув тизими структурасининг таҳлилига асосланади. Бундай ёндашувда директор ва унинг ўринбосарлари ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаолиятидаги "горизонтал" ва "вертикал" алоқаларнинг соловчиси (тартибга солувчи) вазифасини бажаради ва улар таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ва барча жараёнларни назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда стратегик ёндашувни татбиқ этиш зарур бўлиб, стратегик ёндашувни педагогик жараёнларга татбиқ этиш барча таълим олувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки, педагогик жараёнлар (таълим, мустақил таълим, тарбиявий муносабатлар жараёнлари) функционал вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган мақсадларга эришиш нафақат ўқитувчилар ва таълим олувчилар, балки барча педагогик ходимлар, мутахассислар ва бошқа иштирокчилар (ота-оналар)нинг ҳам ҳамкорликдаги самарали фаолиятини назарда тутати.

Ҳамкорликдаги фаолиятни белгиланган мақсад йўналишида самарали ташкил этиш таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш асосида ҳамкорликдаги фаолиятни жорий этишни назарда тутди. Ҳамкорликдаги фаолиятни самарали амалга ошириш эса, педагогик жараёнларда муайян тартиб-қоидалар ўрнатилишини талаб қилади. Таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришда (педгогик жараёнларда) тартиб-қоидалар субъектларнинг функционал вазифалари йўналишларига кўра ишлаб чиқилади.

Бизнинг фикримизча, структуравий ёндашув педагог ходимлар ва олувчилар томонидан бажарадиган функционал вазифалар йўналиши ва бажариладиган вазифалар ўртасидаги нисбат (субъект-субъект муносабатлари)га асосланган бўлиши зарур бўлиб, педагогик жараёнларни ташкил этишда бажариладиган функционал вазифаларга кўра субъектлар фаолиятини ташкил этилиши самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Структуравий ёндашув педгогик жараёнларнинг ташкилий тузилишига кўра функционал вазифаларни самарали амалга оширилишини таъминлаш асосида таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган бўлади. Структуравий ёндашув педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда анча қулайликлар яратади ва таълим олувчилар фаолиятини самарали ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига структуравий ёндашувни татбиқ этиш таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда, ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг умумий фаолиятига ҳам ички барқарорлик бағишлайди..

Шундай экан, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига структуравий ёндашувни татбиқ этишда таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналишида амалга ошириладиган функционал вазифаларнинг йўналишларига кўра ўқитувчилар, таълим олувчилар ва бошқа иштирокчиларнинг фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилиши зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига структуравий ёндашувни жорий этишда педагогик жараён субъектлари сифатида ўқитувчилар ва таълим олувчиларни инobatга олиниши ва субъект-субъект муносабатларини қарор топиши таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этиши инobatга олинади. Структуравий ёндашувда инobatга олиниши зарур бўлган омиллардан бири ўқитувчилар ва таълим олувчилар ўртасидаги масофанинг катта-кичиклиги, яъни, поғонавийлик ҳисобланади. Чунки ўқитувчи билан таълим олувчилар ўртасидаги масофа (даражалар сони) қанчалик катта бўлса, педагогик жараёнлардаги поғонавийлик даражаси шунчалик катта бўлади, поғонавийлик даражаси қанчалик катта бўлса, таълим олувчилар фаолияти самарадорлиги шунчалик паст бўлади.

Шунингдек, структуравий ёндашувни татбиқ этиш асосида педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда ўқитувчилар томонидан асосий эътибор ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги поғонавийлик даражасини энг минимал даражага келтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Стратегик ёндашувда педагогик жараёнлар самарадорлиги нафақат таълим олувчилар билан профессор-ўқитувчилар, балки таълим олувчилар (ўзларининг) ўртасидаги поғонавийликнинг катта ёки кичиклигига ҳам боғлиқ бўлади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга структуравий ёндашувни татбиқ жараёнларини лойиҳалаштиришда тизимли объект сифатида педагогик

жараёнларнинг яхлит ривожланиши ва унинг уникал моделини такомиллаштириш заруратини ҳамда самарадорликка ташкил этувчи қисмларнинг таъсир кўрсатишининг аҳамиятини, шунингдек, бир хил, тенг шарт-шароитларда таълим, мустақил таълим ва тарбиявий муносабатлар жараёнларининг ривожланишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи омилларни инobatга олиш муҳим ҳисобланади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга структуравий ёндашувни татбиқ этиш таълим олувчилар фаолиятида кучли, мажбурий ва кенг қамровли таъсир кўрсатиш каби бошқарув усуллари инкор этган ҳолда, таълим олувчилар фаолияти алгоритми бўйича аниқ белгиланган тартибда таъсир кўрсатишга йўналтирилиши билан аҳамият касб этиб, барча таълим олувчилар фаолиятининг яхлит ривожланишига асос бўлади.

Демак, таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва белгиланган мақсадларга эришишда педагогик жараён субъектлари сифатида педагог ходимлар ва таълим олувчиларнинг яхлит педагогик тизимдаги функционал вазифаларини ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини таъминлаш асосида самарадорликка эришиш учун структуравий ёндашувга асосланган бошқарувни ташкил этишнинг зарурати мазкур ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири эканлигини кўрсатади.

Педагогик тизим фаолиятини яхлит тарзда мувофиқлаштиришда структуравий ёндашувга асосланган бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири субъектлар фаолиятини ташкил этишда бошқарув технологияларидан мазмун-моҳиятига ва вазифасига кўра, тўғри фойдаланишнинг аҳамиятлиги ҳисобланади. Яъни, таълим ва тарбия жараёни субъектлари сифатида таълим олувчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда уларнинг функционал вазифаси ва фаолият йўналишлари ҳамда педагогик тизимдаги таълим-тарбиявий муҳитнинг ўзига хос жиҳатларига мос келадиган технологиялар ва ўқитиш методларни қўллаш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джуреев Р.Х., Турғунов С.Т. *Таълим менежменти*. – Тошкент: “Ворис”, 2006.
2. Иноятлов У.И. *Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... д-ра пед. наук.* – Ташкент, 2003. – С. 315.
3. Турғунов С.Т. *Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари*. – Тошкент: “Фан”, 2006.
4. Ismadiyarov, Y. (2019). *The specifics of the professional activity of the manager-innovator in education. International Journal of Academic Research and Reflection*, 7 (6), 20-23.
5. Исмадияров Я.У. *Theoretical preconditions of innovative management in higher education// International Journal of Academic Research and Reflection*, 2019, №:6(7). - С.56-64
6. Коваль Н.Н. *О существующих подходах к классификации функций управления // АНИ: педагогика и психология*. 2015. №3 (12).
7. Мирошина А.С. *Управление педагогическим процессом в образовательной организации // E-Scio*. 2019. №9 (36).
8. Харченко Е.С. *Педагогический менеджмент: воздействие или взаимодействие? // Научные труды Московского гуманитарного университета*. 2018. №4.